

ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДА СОЛИГИ МАМУРИЯТЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

PhD Абдуллаев Дилмурод Алияр ўғли
Тошкент молия институти

Аннотация. Мазкур мақолада мамлакатимизда фойда солиги маъмуриятчилигини таомиллаштириш бўйича амалга оширилган ислоҳотлар ва уларнинг натижалари тадқиқ қилинган. Шунингдек, фойда солиги бўйича аванс тўловларини ҳисоблаб чиқаришининг амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, мавжуд муаммолар баён этилган. Тадқиқот натижаси бўйича хуносалар шакллантирилиб, илмий тақлиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: солик, солик концепцияси, фойда, фойда солиги, солик тўвчилар, солик ставкаси, аванс тўлови.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ АДМИНИСТРИРОВАНИЯ НАЛОГА НА ПРИБЫЛЬ В УЗБЕКИСТАНЕ

PhD Абдуллаев Дилмурод Алияр угли
Ташкентский финансовый институт

Аннотация. В данной статье рассматриваются реформы, реализованные с целью совершенствования администрирования налога на прибыль в нашей стране, и их результаты. Также проанализирована текущая ситуация с расчетом авансовых платежей по налогу на прибыль и описаны существующие проблемы. По результатам исследования были сформированы выводы, разработаны научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: налог, понятие налога, прибыль, налог на прибыль, налогоплательщики, ставка налога, авансовый платеж.

IMPROVING THE ADMINISTRATION OF PROFIT TAX IN UZBEKISTAN

PhD Abdullaev Dilmurod Aliyar ugli
Tashkent Financial Institute

Abstract. This article examines the reforms implemented to improve the administration of profit tax in our country and their results. Also, the current situation of calculating advance payments on profit tax is analyzed and the existing problems are described. Based on the results of the research, conclusions were formed, scientific proposals and practical recommendations were developed.

Key words: tax, tax concept, profit, profit tax, taxpayers, tax rate, advance payment.

Кириш.

Глобаллашув ва замонавий бозор иқтисодиёти шароитида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, давлатлар ўртасида рақобат кураши авж олган ҳозирги даврда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва аҳоли фаровонлигини оширишнинг асосий шарти рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ҳисобланади. Мамлакатнинг солик тизими рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш омиларидан бири бўлиб, солик тизимини соддалаштириш, оқилона ва ошкора бошқариш, бюрократик тўсиқларнинг камлиги иқтисодиётнинг рақобатбардошлигига самарали таъсир қиласди.

Бугунги кунда мамлакатимиз жаҳон иқтисодиётининг муҳим аъзоси бўлиб, дунё бозорида бевосита иштирок этмоқда. Бу эса мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг рақобатбардош бўлишини тақозо этади. Соғлом рақобат муҳитини шакллантириш ҳамда рақобатбардош иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун солиқ юкини камайтириш ва солиқ солиш маъмуриятчилигини такомиллаштириш зарур. Бу борада мамлакатимиз раҳбари Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида 2023 йилда солиқ мамуриятчилигида амалга ошириш зарур бўлган вазифаларга тўхталиб, “Бюджет харажатлари, аҳоли ва тадбиркорлар олдиғаги мажбуриятларимизни қисқартирган ҳолда, бизнесга солиқ юкини камайтириш бўйича ишларни давом эттирамиз. Илғор тажрибалар асосида солиқ маъмурчилиги жиҳдий ислоҳ қилинади.” дея таъкидлаб ўтдилар (Мурожаатнома, 2022). Бундан кўриниб турибдики, мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва солиқ тизимини ислоҳ қилиш иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мамлакатимиз солиқ тизимини такомиллаштиришда фойда солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, фойда солиғи бюджет даромадларини шакллантирадиган асосий солиқ бўлиши билан бирга мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлигини таъминлашнинг самарали воситаси ҳисобланади. Фойда солиғи паст солиқ ставкаси орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, экспортни ва иқтисодиётнинг айрим тармоқларини рағбатлантириш асосида миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар шархи.

Фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш тартибини ва солиқ ставкаси орқали тадбиркорлик субъектларининг инвестицион фаоллигини ошириш тизимини такомиллаштириш юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан:

Профессор Тошматовнинг (2008) фикрига кўра, реал сектор корхоналарида, айниқса йирик корхоналарда фойда солиғи бўйича ҳисобланган жорий тўловлар миқдоридан ҳисобот даври якуни билан аниқланган ҳақиқий фойда кам миқдорини ташкил этганда, корхона айланма маблағларини четланиши ёки жорий тўловлар бўйича қарздорлик юзага келганда иқтисодий жиҳатдан асосланмаган пеня ҳисобланишига олиб келади. Мазкур солиқни ҳисоблаш билан боғлиқ чалкашликларни олдини олиш мақсадида фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳисоблаш амалиётини бекор қилиш зарур.

Профессор Кузиева (2008) томонидан хорижий инвестициялар билан фойда солиғи ставкалари ўртасидаги боғлиқлик аниқланган.

Профессор Ҳайдаров (2003) томонидан стратегик чет эл инвесторларини кириб келишини рағбатлантириш мақсадида хорижий инвестицияли корхоналарни фойда солиғига тортишнинг янги, ноанъанавий механизми ишлаб чиқилган.

Профессор Жўраев ва Шириновларнинг (2019) фикрича, фойда солиғи миллий иқтисодиётда инвестиция жараёнини барқарорлаштирувчи ва капитал ўсувини таъминловчи асосий дастаклардан бириди.

Профессор Исламкулов (2020) бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини такомиллаштириш мавзусидаги тадқиқот ишида маҳаллий бюджетлар молиявий мустақиллигини оширишни солиқлар тизими орқали рағбатлантиришда юридик шахсларнинг фойда солиғини қутий бюджетларга бириктириб беришни таклиф этган.

Профессор Исаев (2019) томонидан фойда солиғи таҳлили методикасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, Солиқ кодексининг “Чегирилмайдиган харажатлар”га “айбдорлари аниқланмаган камомадлар” бандини киритиб таҳрирлаш таклиф этилган.

Россиялик иқтисодчи олим Митрофанова (2011) таъкидлашича, корхоналар фойдасини солиқса тортисх механизмини модернизация қилишда фойда солиғи бўйича дифференцияланган солиқ ставкаларининг қўлланилиши, инвестицион-инновацион солиқ имтиёзларининг жорий қилиниши зарур.

Иқтисодчи олим Зариповнинг (2021) қайд этишича, йирик солиқ тўловчиларнинг инвестицион фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида фойда солиғининг табақалаштирилган ставкаларини жорий этиш лозим. Бунда, корхоналар учун белгиланган солиқ ставкаси устав фондида узоқ муддатли инвестициялар улуши 35 дан 40 %гача бўлганда – 80 %ни, 40 дан 50

%гача бўлганда – 75 %ни, 50 %дан юқори бўлганда – 70 %ни ташкил этиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси.

Тадқиқотни амалга оширишда илмий мушоҳада, статистик кузатиш, статистик графиклардан, қиёсий таҳлил, маълумотларни гуруҳлаш, абсракт-мантиқий фикрлаш, индукция ва дедукция усулларидан фойдаланилди. Ушбу тадқиқот усуллари фойда солиғи маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифларни шакллантиришга хизмат қиласди.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги солиқ юки даражасидаги номутаносибликларни бартараф этишга қаратилган кенг қамровли солиқ ислоҳотлари амалга оширилди. Хусусан, Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси қабул қилиниб, мазкур концепция бугунги кунда ўзининг ижобий самарасини бермоқда (Фармон, 2018).


Мазкур концепция доирасида амалга оширилган ислоҳотларга мувофиқ қуидаги тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи тўлашга ўтказилди:

- йиллик обороти (тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки йил давомида белгиланган чегаравий миқдорга етган тадбиркорлик субъектлари;
- бензин, дизель ёқилғиси ва газни ёқилғи қуийш станциялари орқали охирги истеъмолчиларига сотадиган юридик шахслар;
- товарларни импорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари;
- йигирма беш гектар ва ундан ортиқ суғориладиган қишлоқ хўжалиги экин майдони эга бўлган қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари;
- лотореяларни ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;
- марказлаштирилган молиялаштириш манбалари ҳисобидан объектларни куришни бажарувчи юридик шахслар;
- алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан пивони чакана сотиш бўйича турғун савдо шоҳобчалари;
- бозорларга ва савдо комплекслари;
- солиқ маслаҳатчиларининг ташкилотлари;
- аудиторлик ташкилотлари;
- нотижорат ташкилотлари, шу жумладан бюджет ташкилотлари.

Мамлакатимизда юқоридаги солиқ тўловчилар фойда солиғи тўлашга ўтказилганлиги натижасида фойда солиғи тўловчилар сони сезиларли даражади ошиди. Фойда солиғи тўловчилар сонининг 2015 – 2022 йилларда ўзгариш тенденцияси қуидаги расмда келтирилган.

1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, фойда солиғи тўловчилар сони 2015-2018 йилларда камайиш тенденциясига эга бўлиб, 2018 йилда 7 609 тани ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 4 782 тага камайган. Бироқ, фойда солиғи тўловчилар сони 2019-2022 йилларда кескин ошган. Хусусан, 2022 йилда тўловчилар сони 165 182 тани ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 13 баробарга, 2015 йилга нисбатан эса 22 баробарга ошган. Фойда солиғи тўловчилар сонининг кескин ошишининг асосий омили солиқ сиёсати концепциясига асосан барча солиқ тўловчилар учун солиқ юкини бир хиллаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг фойда солиғини тўлашга ўтказилганлиги ҳисобланади.

Шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг асосий омили солиқ юкини камайтириш ҳисобланади. Мамлакатимизда кейинги йилларда корхоналарда солиқ юкини камайтириш мақсадида фойда солиғи ставкасини пасайтириш ҳамда фойдадан олинадиган солиқларни камайтиришга қаратилган ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Солиқ солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига асосан 2019 йилда фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга ва тижорат банкларига 22 фоиздан 20 фоизга пасайтирилди, шунингдек, мобиъл алоқа хизмати кўрсатаётган юридик шахсларга рентабеллик даражасидан келиб чиқиб ҳисобланадиган қўшимча фойда солиғи бекор қилинган ҳолда 14 фоиздан 20 фоизга оширилди.



1-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиги тўловчилик сонининг ўзгариш динамикаси⁵⁰

Бундан ташқари, дивиденdlар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиги ставкасини 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди. Қолаверса, соф фойдадан ундириладиган 8 фоиз миқдоридаги ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги бекор қилинди. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиги ставкалари ўзгариши динамикаси 2-расмда келтирилган.



2-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиги ставкалари ўзгариши динамикаси

⁵⁰ <http://www.soliq.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси расмий сайти.

Юқоридаги расм маълумотлари асосида 2015-2022 йилларда фойда солиғи ставкалари динамикасини таҳлил қиласиган бўлсак, ушбу даврда аукционлар ўтказишдан ва оммавий томоша тадбирларини ташкил этишдан даромад олувчи юридик шахслар учун фойда солиғи 35 фоиздан 15 фоизга пасайган.

Шунингдек, ушбу даврда фойда солиғи ставкаси 7,5 фоиздан 15 фоизга, банклар учун 15 фоиздан 20 фоизга ошганлигини ва электрон тижорат ташкилотлари учун ўзгармаганлиги кўришимиз мумкин. Мазкур солиқ тўловчилар учун солиқ ставкаси камаймаган бўлсада, 8 фоиз миқдорида ундириладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг фойда солиғи билан унификация қилиниши ҳисобига фойдадан олинадиган солиқ миқдори камайган. Мобил алоқа хизматларини кўрсатадиган юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси 2015 – 2022 йилларда 7,5 фоиздан 20 фоизга ошган. Бироқ, 2016 йилдан жорий қилингандек рентабеллик даражасидан келиб чиқиб ҳисобланадиган қўшимча фойда солиғи ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бекор қилиниши натижасида фойда солиғи юки камайган. Мазкур даврда цемент (клинкер) ишлаб чиқарувчи юридик шахслар учун фойда солиғи ставкаси ўзгармаган ва полиэтилен гранулалар ишлаб чиқаришни амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун 7,5 фоиздан 20 фоизга ошган. Мазкур солиқ тўловчилар учун қўшимча фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бекор қилиниши натижасида фойда солиғи миқдори камайган.

Ўзбекистонда фойда солиғи бўйича солиқ тўловчилар сонининг кўпайиши ва солиқ ставкасини пасайиши натижасида солиқ тушуми ошган.



3-расм. Ўзбекистонда 2015-2022 йилларда фойда солиғи тушуми ва унинг Давлат бюджети даромадларидағи улуши ёзгариши динамикаси⁵¹

Юқоридаги 3-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2015-2022 йилларда фойда солиғи тушуми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Хусусан, фойда солиғи 2022 йилда 37 364,9 млрд. сўмни ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 31,0 баробарга ошган. Шунингдек, фойда солиғининг Давлат бюджети даромадларидағи улуши 2015 йилда 3,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 18,6 фоизни ташкил этган ҳолда 2015 йилга нисбатан 15,4 фоизга ошган.

Амалдаги солиқ қонунчилигига мувофиқ, жами даромади беш миллиард сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловларини тўлаши лозим⁵². Фойда солиғидан аванс тўловини тўлаш бўйича тадбиркорлик субъектлари жами даромадининг

⁵¹ <http://www.imv.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий сайти.

⁵² Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси

чегаравий миқдори 2023 йил сентябр ойидан 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилди (Қарор, 2023).

Фойда солиғи бўйича жорий тўловлар ҳар бир чорак учун алоҳида ва ўтган ҳисобот даврида ҳисобланган солиқ суммасидан келиб чиққан ҳолда ҳисоблақ чиқарилади. Аванс тўланадиган чоракда ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси манфий ёки нолга teng бўлганда тўловлар амалга оширилмайди. Жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш тартиби қуидаги жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Фойда солиғи бўйича жорий тўловларни ҳисоблаб чиқариш механизми (Абдуллаев, 2021)

№	Ҳисобот даври	Ҳисоблаш механизми	Ҳисоблаш муддати
1	I чорак	Тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси ўтган солиқ даврининг IV чорагида тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўлови суммасига teng этиб қабул қилинади.	23 январь
2	II чорак	Тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси I чоракда ҳисобланган фойда солиғи суммасининг учдан бирига teng этиб қабул қилинади.	23 апрель
3	III чорак	Тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси II чоракда ҳисобланган фойда солиғи суммаси ва I чоракда ҳисобланган фойда солиғи суммаси ўртасидаги фарқнинг учдан бирига teng этиб қабул қилинади.	23 июль
4	IV чорак	Тўланиши лозим бўлган ҳар ойлик бўнак тўловининг суммаси III чоракда ҳисобланган фойда солиғи суммаси ва II чоракда ҳисобланган фойда солиғи суммаси ўртасидаги фарқнинг учдан бирига teng этиб қабул қилинади.	23 октябрь


Ҳар ойлик бўнак тўловини ҳисоблаб чиқариш солиқ органлари томонидан амалга оширилади. Бунда солиқ тўловчи келгуси чорак биринчи ойининг 15-санасидан кечиктирмай жорий чоракда кутилаётган фойда суммасидан келиб чиққан ҳолда, бўнак тўловлари суммаси тўғрисида солиқ органларига маълумотнома тақдим этиш хуқуқига эга. Кутилаётган фойда суммаси асоссиз камайтириб кўрсатилган тақдирда солиқ органлари солиқ тўловчилар томонидан тақдим этиладиган солиқ бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритишга ҳақли.

Ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнак тўловлари ҳисобот даври ҳар бир ойининг йигирма учинчи кунидан кечиктирмай тўланади. Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташкил этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида ўн миллиард сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнак тўловларини кейинги чоракдан тўлайди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, жами йиллик даромаднинг миқдоридан қатъий назар бюджет ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳар ойлик бўнак тўловларини тўламайди.

4-расм маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018-2022 йилларда фойда солиғи бўйича аванс тўлайдиган корхоналар сони 7 609 тадан 19 788 тага ошган. Бироқ, ушбу даврда фойда солиғи тўловчилар таркибида аванс тўловини тўлайдиган корхоналар сонининг улуши 100 фоиздан 11,9 фоизга камайган. Бунинг асосий омили корхоналарнинг фойда солиғи бўйича аванс тўловини тўлаши учун солиқ қонунчилигига солиқ солинадиган фойда ва жами даромад миқдори инобатга олиниши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилганлиги бўлган.

Фикримизча, фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини ҳисоблаб чиқариш жуда мураккаб ҳамда фойда солиғини ундиришда корхоналар учун бир қатор муаммолар келтириб чиқаради. Корхоналар томонидан ҳисобланадиган фойда солиғи ўтган ҳисобот даври учун бир хил бўймаслиги мумкин. Ўтган ҳисобот даврига нисбатан фойдаси кам бўлган корхоналарда жорий тўловлар кўпроқ ундирилишига олиб келади.



4-расм. 2018-2022 йилларда фойда солиғи бўйича бўнак тўловларини тўлайдиган корхоналар сони таҳлили⁵³

Натижада фаолиятини амалга ошириш ва кенгайтириш учун зарур бўлган маблағлар давлат бюджетига йўналтирилади. Бу эса корхонанинг молиявий фаолиятига салбий таъсир қилиши мумкин. Шунингдек, солиқ органлари томонидан аванс тўловларини ҳисоблаши ва кам ҳисобланганда қўшим аванс тўловини киритиш белгиланган. Мазкур ҳолат ҳам корхоналарнинг эътиrozига сабаб бўлиши бўлади.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган концепция доирасида фойда солиғини тақомиллаштириш бўйича ижобий ислоҳотлар амалга оширилган. Жумладан, корхоналар ўртасида солиқ юкини бирхиллаштириш мақсадида бир қатор тадбиркорлик субъектлари фойда солиғи тўлашга ўтказилган ва фойда солиғи ставкалари пасайтирилган. Бу эса, фойда солиғи тушумининг ошишига ижобий таъсир қилган.

Шунингдек, мамлакатимизда 2023 йил 11 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида бизнес учун фойда солиқ ставкалари уч йил давомида оширилмаслигини кафолатлаш вазифаси белгилаб берилди (Фармон, 2023). Бу эса, мамлакатимизда тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш имконини беради.

Фойда солиғи маъмуриятчилигини тақомиллаштириш, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини, бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлаш ва тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини камайтириш мақсадид қўйидагилар таклиф этилади:

- кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектлари учун фойда солиғининг асосий ставкасини пасайтириш;
- қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ижтимоий соҳада фаолиятни амалга оширувчи солиқ тўловчилар учун фойда солиғининг пасайтирилган ставкасини жорий қилиш;
- фойда солиғи тушумининг 83,2 фоизи йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган корхоналар ҳиссасига тўғри келмоқда, шу боис фойда солиғидан бўнак тўловларини мазкур корхоналар тоифасига киритилган солиқ тўловчилар томонидан тўланишини белгилаш;

⁵³ <http://www.soliq.uz/> - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Солиқ қўмитаси расмий сайти.

- солиқ органлари томонидан аванс тўловларини ҳисоблаб чиқарилиши ва солиқ тўловчилар томонидан кутилаётган фойда суммаси асоссиз камайтириб кўрсатилган ҳолда тақдим этиладиган бўйак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномага ўзгартиришлар киритиш тартибини бекор қилиш ҳамда асоссиз камайтирилган суммага пеня ҳисобланиши мақсадга мувофиқ.

Адабиётлар/Литература/Reference:

Абдуллаев Д.А. (2021) *Иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлашда юридик шахслар фойдасини солиққа тортниш тартибини тақомиллаштириш йўналишлари: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Тошкент.

Жўраев А, Ширинов С. (2019) Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. *Дарслик/- Т.: "Иқтисод-Молия", -416 б.*

Зарипов Х.Б. (2021) *Солиқларнинг корхоналар молиявий-хўжалик фаолиятига таъсируни баҳолаш йўллари. Монография/- Т.: "Иқтисод-Молия", -48 б.*

Исаев И.Ф. (2019) *Солиқ таҳлили методикасини тақомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Тошкент.

Исламкулов А.Х. (2020) *Бюджетлараро мутаносибликни таъминлашда солиқлар тизимини тақомиллаштириш: и.ф.д. (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Тошкент.

Кузиева Н.Р. (2008) *Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятини рағбатлантиришининг молия-кредит механизмини тақомиллаштириш йўналишлари: и.ф.д . илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Тошкент.

Қарор (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 4 сентябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2023 йилдаги очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-292-сон Қарори.*

Митрофанова И.А. (2011) *Модернизация механизма налогообложения прибыли хозяйствующих субъектов. Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. - Волгоград.*

Мурожсаатнома (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожсаатномаси. "Халқ сўзи" газетаси, 21 декабрь 2022-йил, №272.*

Тошматов Ш.А. (2008) *Корхоналар иқтисодий фаолигини оширишда солиқлар ролини кучайтириши муаммолари: и.ф.д . илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Тошкент.,

Фармон (2018) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнданги "Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини тақомиллаштириш концепцияси тўғрисида"ги ПФ-5468-сон Фармони.*

Фармон (2023) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон – 2030" стратегияси тўғрисида"ги ПФ-158-сон Фармони*

Ҳайдаров Н.Ҳ. (2003) *Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида корхоналар инвестицион фаолиятидаги молия-солиқ муносабатларини тақомиллаштириш масалалари: и.ф.д . илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация.* – Тошкент.